учинчи бўлим

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИНИНГ КАРОРИ

290 Каровсиз қолған ҳайвонларни тутиш ва сақлаш билан боғлиқ хизматлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўгрисида

Ахоли пунктларида итлар ва мушукларни сақлаш масалаларини тартибга солиш буйича курилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш, шунингдек қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш хизматлари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

- 1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳужалиги вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг 2011 йил 1 августдан бошлаб 1-иловага* мувофиқ руйҳат буйича шаҳар ва туман ободонлаштириш бошқармалари, шаҳар ва туман давлат ветеринария булимларининг фаолият қурсатаётган итларни тутиш бригадалари негизида шаҳар ва туман ободонлаштириш бошқармалари ҳузурида қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш булимларини ташкил этиш туррисидаги таклифига розилик берилсин.
- 2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хужалиги вазирлиги 2-иловага* мувофиқ руйхат буйича шаҳар ва туман давлат ветеринария булимлари асосий воситаларининг бир қисмини белгиланган тартибда тегишли шаҳар ва туман ободонлаштириш бошқармалари балансига берсин.
- 3. Қуйидагилар шаҳар ва туман ободонлаштириш бошқармалари ҳузуридаги қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш булимларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

кучаларда ва бошқа жойларда қаровсиз қолган, шу жумладан эгасиз итлар, мушуклар ва йиртқич ҳайвонларни тутишни ташкил этиш, шунингдек уларни вақтинча сақлаш учун махсус жойлар барпо этиш;

одамлар ва ҳайвонларга жароҳат етказган ёхуд ножу́я ҳаракат қилинмаганда уларга ҳужум қилган ҳайвонларни кейинчалик уларни карантинда сақлаш учун давлат ветеринария бу́лимларига олиб келиш;

хайвонлар қутурган тақдирда тегишли давлат ветеринария булимлари билан биргаликда иш олиб боришни ташкил этиш, шунингдек улган ҳайвонларни ветеринария-санитария қоидаларига риоя этган ҳолда зарарсизлантириш.

4. Қуйидагилар:

2011 — 2013 йилларда шахар ва туман ободонлаштириш бошқармалари

^{* 1-2-}иловалар рус тилидаги матнда берилган.

хузуридаги қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш булимларининг моддий-техника базасини ривожлантириш дастури 3-иловага* мувофик;

Ахоли пунктларида итлар ва мушукларни сақлаш қоидалари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

Ахоли пунктларида итлар ва мушукларни сақлаш қоидаларига риоя қилиш юзасидан назоратни кучайтирсин ҳамда ушбу Қоидалар бузилишига йул қуйган шахсларни жавобгарликка тортиш буйича таъсирчан чора-тадбирлар курсин;

давлат ветеринария бўлимларининг такдимномаси бўйича қаровсиз қолган, шу жумладан эгасиз ва касал ҳайвонларни қутуриш жойларида, қутуриш касаллиги кўп учраши хавфи бўлган эпизоотик ҳудудларда отиб ташлашни ташкил этсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг туман давлат ветеринария бўлимлари ҳамда Соглиқни сақлаш вазирлигининг давлат санитария-эпидемиология назорати маркази билан келишган ҳолда шаҳар ва туман ободонлаштириш бошқармаларига ўлган ҳайвонларнинг жасадларини йўқ қилиш учун крематорийлар қуришга белгиланган тартибда ер участкалари ажратсинлар;

фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тегишли ветеринария бўлимларига итларни ўз вақтида вакцинация қилиш учун уларни сақлайдиган фукаролар тўгрисидаги маълумотлар берилиши юзасидан доимий назорат ўрнатсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хужалиги вазирлиги:

фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан такдим этилган маълумотлар асосида итларни қутуришга қарши мажбурий вакцинация қилишнинг ҳар йили белгиланган муддатларда ўтказилишини;

қутуриш аниқланган тақдирда карантин зонасидаги ва тахдид зонасидаги қутуришга мойил барча ҳайвонларнинг қутуришга қарши профилактик вакцинация қилинишини;

ҳайвонлар учун антирабик вакциналарнинг зарур захираси яратилишини:

ветеринария ҳақидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган қутуриш профилактикаси буйича бошқа ветеринария тадбирлари утказилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Согликни саклаш вазирлиги:

ахоли ўртасида хайвонлар тишлаб олганда ва бошқа жарохатлар етказганда дархол соғлиқни сақлаш муассасаларига мурожаат қилиш тўгрисида доимий тушунтириш ишларини олиб борсин;

жабрланганлар мурожаат қилган тақдирда қутуришга қарши вакцинацияни тезкорлик билан ўтказсин;

^{* 3-}илова рус тилидаги матнда берилган.

кутуриш юқиши хавфи таъсирида булган аҳоли гуруҳини (қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш булимлари, урмон хужалиги ходимлари ҳамда ихтисослаштирилган овчилик бригадаларининг овчиларини) мунтазам равишда вакцинация килсин;

фукаролар учун антирабик вакциналар ва иммуноглобулиннинг зарур захирасини яратсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни мухофаза қилиш қумитаси, Ички ишлар вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда, белгиланган тартибда:

молиялаштиришнинг аниқ манбаларини белгилаган ҳамда жамоат тартибини ва фуқароларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини кÿрган ҳолда Қаровсиз қолган ҳайвонларни отиб ташлаш тÿғрисидаги йÿриқномани;

Ахоли пунктларида ёввойи хайвонларни сақлаш қоидаларини тасдиқласин.

- 10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда шахар ва туман ободонлаштириш бошқармалари хузуридаги қаровсиз қолган хайвонларни тутиш булимларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва уларни кадрлар билан тулдириш учун ободонлаштиришга ажратиладиган маблағлар доирасида зарур бюджет маблағлари ажратилишини назарда тутсин.
- 11. Вазирлар Маҳкамасининг «Ободонлаштириш ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 1 апрелдаги 91-сон қарорига 1-илованинг «Асосий ишлаб чиқариш ходимлари» бўлимидаги еттинчи сатрга «қаровсиз қолган ҳайвонларни тутадиган ишчилар» сўзлари қўшилсин.
- 12. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида одамлар ва ҳайвонларнинг қутуриши касаллигига ҳарши курашни кучайтириш чора-тадбирлари тўгрисида» 1996 йил 18 январдаги 32-сон ҳарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1996 й., 1-сон, 3-модда) ўз кучини йўҳотган деб ҳисоблансин.
- 13. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А. Хўжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири

III. МИРЗИ**ЁЕВ**

Тошкент ш., 2011 йил 8 июль, 202-сон Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 июлдаги 202-сон қарорига 4-ИЛОВА

Ахоли пунктларида итлар ва мушукларни сақлаш КОИЛАЛАРИ

І. Умумий қоидалар

1. Ушбу қоидалар Ўзбекистон Республикаси ахоли пунктларида итлар ва мушукларни (хизмат итлари бундан мустасно) сақлаш тартибини белгилайди ҳамда итлар ва мушукларнинг барча эгалари, шу жумладан юридик шахслар учун мажбурий ҳисобланади.

II. Итларни руйхатдан утказиш, қайта руйхатдан утказиш ва вакцинация қилиш

- 2. Ахоли пунктларида итлар руйхатга олиниши ва хар йили қайта руйхатдан утказилиши шарт. Бу тегишли давлат ветеринария булимлари томонидан амалга оширилади.
- 3. Руйхатга олиш итларни дастлабки вакцинация қилишда амалга оширилади. Итларни руйхатга олишда итларнинг эгаларига белгиланган тартибда итларни руйхатга олиш гувохномаси берилади.

Хар йили қайта руйхатдан утказиш итларни такроран вакцинация қилишда амалга оширилади. Бу ҳақда итларни руйхатга олиш гувоҳномасига тегишли белги қуйилади.

- 4. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли давлат ветеринария бўлимларига итларни қутуришга қарши ўз вақтида вакцинация қилиш учун итларни сақлайдиган фуқаролар тўгрисидаги маълумотларни маълум қилади.
- 5. Зотидан қатъи назар, 3 ойликдан бошлаб итлар вакцинация қилиниши керак. Янги сотиб олинган итлар, агар улар вакцинация қилинган муддат номаълум булса, сотиб олингандан кейин бир ҳафта муддатда вакцинация қилиниши ва руйхатга олиниши керак.
 - 6. Итларни руйхатга оладиган давлат ветеринария булимлари:

вакцинация қилишда харажатлар белгиланган тартибда қопланган ҳолда руйхатга олиш гувоҳномасини ва жетон шаклидаги руйхатга олиш белгисини (итнинг буйинбоғига маҳкамланади) ёки микрочиплар (тери остига киритилади) беришга;

итларнинг эгаларини ушбу Қоидалар билан таништиришга мажбур. Бу ит эгасининг итни руйхатга олиш гувоҳномасига қуйиладиган имзоси билан тасдиқланиши керак.

III. Итлар ва мушукларни сақлашга нисбатан қуйиладиган талаблар

- 7. Санитария-гигиена ва ветеринария-санитария қоидаларига риоя қилиш итлар ва мушукларни сақлашнинг мажбурий шарти ҳисобланади.
- 8. Барча итлар, зарур холларда эса улар билан бирга сақланадиган бошқа қутуришга мойил ҳайвонлар ҳам уни қуллаш буйича йуриқномада назарда тутилган тартибда қутуришга қарши эмлаш вакцинаси билан профилактик эмланиши шарт.
- 9. Куп қаватли уйнинг алохида квартирасида қушниларнинг ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг розилиги билан биттадан ортиқ булмаган итни ва битта мушукни сақлашга рухсат берилади.

Алохида уйда итларни сақлашга фақат боғланган ҳолда, эркин сайр қилдиришда — атрофи ўралган ҳудудда ажратилган ҳолда сақлашга йўл қўйилади.

10. Итлар очиқ жойларда сайр қилдирилганда ва турар жой биноларида итларнинг эгалари тинчлик сақланишини таъминлашлари — эрталаб соат 8.00 гача ва кечқурун 22.00 дан кейин итларнинг вовиллашининг олдини олишлари керак.

11. Қуйидагилар:

итлар ва мушукларни умумий фойдаланиладиган жойларда: зинапоя майдончалари, чердаклар, ертўлаларда, шунингдек ошхоналар, балконлар ва умумфойдаланишдаги пешайвонларда сақлаш;

қўриқчи итларни таълим ва тиббиёт муассасаларида сақлаш;

итлар ва мушукларни умумий овқатланиш корхоналарига, озиқ-овқат дуконлари ва бошқа дуконларнинг савдо ва ишлаб чиқариш залларига олиб кириш;

итлар ва мушукларни купчилик борадиган жойларда (пляж, ховуз, фаввораларда ва хоказоларда) чумилтириш ёки ювиш;

маст қолатдаги шахслар ва 14 ёшдан кичик болаларнинг итларни сайр қилдириши;

итлар билан жамоат жойларида булиш ва жамоат транспортига чикиш такикланади, ушбу Қоидаларнинг 12 ва 13-бандларида назарда тутилган қоллар бундан мустасно;

олдини олиш мумкин бўлган итлар ва мушукларнинг ўлишига ёки жарохатланишига олиб келган итлар ва мушукларни ташлаб кетиш, уларга жарохат етказиш, уларни қаровсиз холда қолдириш, уларга озор бериш ёки жисмоний ва маънавий азоб бериш, уларга нисбатан бошқа йўл қўйиб бўлмайдиган харакатларни содир этиш;

итлар ва мушукларни санитария-эпидемиология ва ветеринария хизматларининг рухсатисиз болалар муассасаларининг зоология бурчакларида сақлаш тақиқланади.

12. Итлар очиқ жойларда ёки бунинг учун махсус ажратилган майдонларда сайр қилдирилади, бу ерлар ҳар доим озода сақланиши керак.

Итнинг эгаси ит қочиб кетмаслиги ёки одамлар ёки бошқа ҳайвонларга ҳужум қилмаслиги чораларини кўриши зарур.

Ит буйинбогига жетон маҳкамланган ҳолда етовда олиб юриб сайр қилдирилиши керак. Жетонда итнинг лақаби, ит эгасининг манзили, телефон рақами курсатилиши керак.

Ит очиқ жойларда сайр қилдирилганда у тумшуқбоғда ва 2 метргача узунликдаги етовда, жамоат жойларида 1 метргача узунликдаги етовда булиши керак, тумшуқбоғсиз ва етовсиз фақат махсус ажратилган майдонларда сайр қилдиришга рухсат берилади.

13. Итлар ва мушукларни транспортнинг жамоат транспортидан бошқа барча ер усти турларида олиб юришга рухсат берилади.

Кичик итлар ва мушукларни жамоат транспортида уларнинг соғлиғига хавф солмайдиган ва улар қочиб кета олмайдиган кучма қурилмаларда, шунингдек йуловчиларнинг хотиржамлиги бузилишини истисно этган шартларга риоя қилган холда олиб юришга рухсат берилади.

14. Кўчаларда ва бошқа жамоат жойларида етовсиз юрган итлар ва мушуклар ҳатто бўйинбоги, жетони ва тумшуқбоги бўлган такдирда ҳам, уларнинг зоти ва вазифасидан ҳатъи назар, тутиб олиниши керак.

Ахоли пунктларида итлар ва мушукларни тутиш одамлар ва ҳайвонларнинг қутуриш ва бошқа зарарли касалликларга чалинишининг олдини олиш, шунингдек одамлар ва ҳайвонларни тишлаб олишини бартараф этиш мақсадида амалга оширилади.

Тутиб олинган итлар, зотидан қатъи назар, 5 кун мобайнида ит тутиш хизматларида сақланади ва ит эгаси мурожаат қилган ва итнинг уники эканлиги (руйхатга олиш гувоҳномаси, ветеринария гувоҳномаси) тасдиқланган ва сақлаш харажатлари туланган тақдирда эгасига қайтарилиши мумкин.

Кўрсатиб ўтилган муддат тамом бўлгандан кейин тутиб олинган, касаллик белгилари бўлмаган зотли итлар сақлаш харажатлари тўлангандан кейин манфаатдор шахсларга берилиши мумкин.

- 15. Кўчмас мулк эгалари ёки унда хўжалик юритадиган шахслар ўз объектлари ва худудларида қаровсиз қолган ҳайвонлар бўлишига ёки уларни овқатлантиришга йўл қўймасликлари керак. Бундай ҳайвонлар пайдо бўлган такдирда дарҳол шаҳар ва туман ободонлаштириш бошқармалари ҳузуридаги қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш бўлими ходимларини чақириш зарур.
- 16. Ит ва мушукларни сотиб олиш, сотиш, олиб келиш ва олиб кетишга хайвоннинг соглиги тўгрисида ветеринария хужжатлари ва конун хужжатларида назарда тутилган бошқа хужжатлар бўлган тақдирда йўл кўйилади.

IV. Итлар ва мушуклар эгаларининг хуқуқ ва мажбуриятлари

17. Хар қандай ҳайвон эгасининг мулки ҳисобланади ва ҳар қандай мулк сингари қонун билан муҳофаза қилинади.

18. Ҳайвон эгасидан суднинг қарорига кура ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асослар буйича олиб қуйилиши мумкин.

Итнинг эгаси ўз итини етовга богланган холда ва тумшукбогда чекланган вақт мобайнида ёлғиз қолдириш хуқуқига эга.

19. Итларнинг эгалари қуйидагиларга мажбур:

атрофдаги одамлар ва ҳайвонларнинг ҳавфсизлигини таъминлайдиган зарур чораларни куриш;

итларнинг қушнилар тинчлигини бузиб тинимсиз вовиллашига йул қуймаслик чораларини куриш;

итлар ва мушукларнинг умумфойдаланишдаги жойларни (кириш жойларини, зинапоя майдончаларини, лифтларни, болалар майдончаларини, йулкаларни, йулакларни, кукаламзорлаштирилган ва ободонлаштирилган худудларни ва хоказоларни) ифлос қилишига йул қуймаслик;

умумфойдаланишдаги жойларда итлар ва мушуклар қолдирган экскрементларни олиб ташлаш;

итлар ва мушуклар қолдирадиган экскрементларни дарҳол йиғиштириб олиш учун ўзи билан анжом олиб юриш;

итларни сотиб олишда ва бошқа жойга кўчганда уларни тегишли давлат ветеринария бўлимларида рўйхатдан ўтказиш ва ҳар йили қайта рўйхатдан ўтказиш, шунингдек зарур маълумотларни фуқароларнинг ўзини ўзи бош-қариш органларига маълум қилиш;

итларни руйхатга олиш гувохномасини такдим этиш хамда итларни текшириш ва касалликнинг олдини олувчи эмлаш учун давлат ветеринария булимига олиб келиш;

тегишли худудга киришда ит борлиги тўгрисида огохлантирадиган тахтача ўрнатиш;

ит ёки мушук одамларни ёки ҳайвонларни тишлаган тақдирда уни дарҳол текшириш ва 10 кун муддат ажратиб қуйиш учун давлат ветеринария булимига олиб келиш ҳамда биринчи ва такрорий ветеринария куриги ҳақидаги маълумотномани давлат ветеринария булимидан олиш ва уни тишлашдан жабрланган шахсга дарҳол топшириш;

ҳайвонлар қутуриш касаллигига чалинганлиги ҳақидаги ҳар бир шубҳаланишда дарҳол давлат ветеринария булимини ҳабардор қилиш ва уларни ажратиб қуйиш учун зарур чоралар куриш;

касал итлар ва мушукларни ҳайвонлар ажратиб қуйиладиган махсус хизматларга топшириш;

итлар ўлган такдирда давлат ветеринария бўлимига, яшаш жойидаги фукароларнинг ўзини ўзи бошкариш органларига хабар бериш хамда ўлган итнинг жасадини ташлаб юбормаслик, уни итни рўйхатга олиш гувохномасини илова килган холда туман ва шахар ободонлаштириш бошкармалари хузуридаги каровсиз колган хайвонларни тутиш бўлимига топшириш.

Хайвонлар эгалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга булиши мумкин.

V. Давлат органлари ва фукароларнинг ўзини ўзи бошкариш органларининг ваколатлари

20. Шаҳар ва туман ободонлаштириш бошқармалари ҳузуридаги қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш булимлари:

кучаларда ва бошқа жойларда қаровсиз қолган, шу жумладан эгасиз итлар, мушуклар ва йиртқич ҳайвонларни тутишни ташкил қиладилар, шунингдек уларни вақтинча сақлаш учун махсус жойлар барпо этадилар;

одамлар ва ҳайвонларга жароҳат етказган ёхуд ножуя ҳаракат қилинмаганда уларга ҳужум қилган ҳайвонларни кейинчалик карантин қилиш учун давлат ветеринария булимларига олиб келадилар;

хайвонлар қутурган тақдирда тегишли давлат ветеринария булимлари билан биргаликда иш олиб борилишини ташкил этадилар, шунингдек улган ҳайвонларни ветеринария-санитария қоидаларига риоя этган ҳолда зарарсизлантирадилар.

21. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари:

тегишли давлат ветеринария бўлимларига итларни қутуришга қарши ўз вақтида вакцинация қилиш учун итларни сақлайдиган фукаролар тўгрисидаги маълумотларни маълум қиладилар;

ўлган ва дайди итлар ҳамда мушуклар аниқланганда бу ҳақда шаҳар ва туман ободонлаштириш бошқармалари ҳузуридаги қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш бўлимига ҳабар қиладилар;

ҳайвонлар қутурганлигига шубҳаланилганда қисқа муддатларда давлат ветеринария булимларига ва соғлиқни сақлаш органларига хабар қиладилар.

22. Давлат ветеринария булимлари:

фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан такдим этилган маълумотлар асосида итларни кутуришга қарши мажбурий вакцинация қилишни ҳар йили белгиланган муддатларда ўтказадилар;

кутуриш аниқланган тақдирда карантин зонасидаги ва тахдид зонасидаги қутуришга мойил барча ҳайвонларни қутуришга қарши профилактик вакцинация қиладилар;

ҳайвонлар учун антирабик вакциналарнинг зарур захирасини яратадилар;

ветеринария ҳақидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган қутуриш профилактикаси буйича бошқа ветеринария тадбирларини утказадилар;

ветеринария талаблари бажарилишини назорат қиладилар.

23. Соғлиқни сақлаш органлари:

жабрланганлар мурожаат қилган тақдирда қутуришга қарши вакцинацияни тезкорлик билан ўтказадилар;

кутуриш юқиши хавфи таъсирида бўлган ахоли гурухини (қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш бўлимлари, ўрмон хўжалиги ходимлари ҳамда ихтисослаштирилган овчилик бригадаларининг овчиларини) мунтазам равишда вакцинация қиладилар;

фукаролар учун антирабик вакциналар ва иммуноглобулиннинг зарур захирасини яратадилар.

— 12 —

VI. Ушбу Қоидаларнинг бажарилишини назорат қилиш

- 24. Ушбу Қоидаларга риоя этилишини ички ишлар органлари қонун хужжатларида белгиланган тартибда назорат қиладилар.
- 25. Ушбу Қоидалар бузилган тақдирда белгиланган тартибда ички ишлар органлари томонидан маъмурий хукукбузарлик тўгрисида баённома тузилади.
- 26. Ушбу Қоидалар бузилганлиги тўгрисидаги ишларни кўриб чикиш Узбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик туррисидаги кодексига мувофик амалга оширилади.

VII. Ушбу Қоидаларнинг бузилганлиги учун жавобгарлик

27. Ушбу Қоидаларнинг бузилганлиги учун итлар ва мушукларнинг эгалари белгиланган тартибда жавоб берадилар.